



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 1

между Маззали таом тайёрлов X/К и Бухоро шахар МТБ на общую сумму 3073547405,88

Глава
Казначейский лицевой счёт

251
400522860064017091100251075

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | Всего |
|---------------------------------|--|--|-------------------------|
| | 4252300 | | |
| Январь | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Февраль | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Март | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Апрель | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Май | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Июнь | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Июль | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Август | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Сентябрь | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Октябрь | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Ноябрь | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Декабрь | 256 128 950,49 | | 256 128 950,49 |
| Всего за год | 3 073 547 405,88 | | 3 073 547 405,88 |

Всего 3073547405,88 сум

Три миллиарда семьдесят три миллиона пятьсот сорок семь тысяч
четыреста пять сум 88 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 922064221,764 сум или 30% *** от общей суммы договора
подлежат предоплате в январе мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



Главный бухгалтер заказчика

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

« ____ » 20 ____ г.

Хамроев Абдурахмон Каримович

Ф.И.О.

(подпись)

Акобиров Кандиёр Рамазонович

Ф.И.О.

(подпись)

Получил работник
заказчика

(подпись)

« ____ » 20 ____ г.

Танлов иштирокчиси учун
шартнома лойихаси

**23,25,43,46,86-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида
аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириши ташкил этиш тўғрисида
1-сонли ШАРТНОМА**

2022 йил “05” Январ

Бухоро шаҳар

Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталадиган “Маззали таом таёrlов” X/K
(корхона номи)
номидан Устав асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари Ахмедова Нодира
(корхона раҳбарининг ФИО)
бир томондан, матнда кейинги ўринларда буюртмачи деб аталадиган, Устав асосида
фаолият юритувчи Бухоро шаҳар мактабгача таълим бўлими номидан мудир Абдурахмон
Ҳамроев иккинчи томондан (кейинги ўринларда – томонлар) куйидагилар
ҳакида ушбу шартномани туздилар.

I. Шартноманинг предмети

1.1. Бухоро шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 23,25,43,46,86-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 3 (уч) маҳал (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик), ҳафтада 5 (беш) кун овқатлантириш мазкур шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Тарбияланувчиларни бир кунда 3 (уч) маҳал овқатлантириш бўйича 10 (ўн) кунлик таомнома 23,25,43,46,86-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти билан келишган ҳолда аутсорсер томонидан тузилади ва тасдиқланади.

1.3. Шартнома қиймати 23,25,43,46,86-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида шартнома тузилган кунда рўйхатда турган тарбияланувчилар сони ва маҳсулотлар нархларига мувофиқ 3 073 547 405.83 (уч миллиард етмиш уч миллион беш юз кирқ етти минг тўрт юз беш саксон уч минг) сўмни ташкил этади.

(шартнома қиймати сон ва сўз билан ёзилади)

Агарда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сони кўпайганида мазкур шартномага кўшимча келишув тузилади.

| Тарбияланувчилар сони | Санқвам бўйича бир нафар болани бир кунлик овқатлантириш харажати* | Шартнома амал килиш муддати давомида иш кунлари сони | Жами харажат | Устама (ҚҚС билан) | | Шундан ҚҚС | Шартноманинг умумий қиймати |
|-----------------------|--|--|-------------------|--------------------|--------------------|--------------------|-----------------------------|
| | | | | %% | сумма | | |
| 1 | 2 | 3 | 4=1x2x3 | 5 | 6=4x5 | 7 | 8=4+6 |
| 817 | 13095,21 | 252 | 2696094 215,64 | 14 | 377.453. 190,19 | 404.414.13 2,35 | 3.073.547. 405,83 |

*) Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада келтирилади.

Ушбу шартнома тузилган кунда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотларида рўйхатда турувчи тарбияланувчилар сони - 817 нафар, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати – 13095,21 (ўн уч минг тўқсон беш йигирма бир тийин) сўмни ташкил этади.



Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада, ойма-ой тўлов жадвали 2-иловада келтирилади.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига караб расмийлаштирилган хужжатлар асосида амалга оширилади.

1.4. Амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари асосида овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг тасдиқланган нархлари ўзгариши ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сонининг ўзгариши ҳисобига бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати шартномада келтирилганига нисбатан 10% ва ундан юқори кўрсаткичга фарқ қилган ҳолларда шартномага томонларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсернинг ҳуқуқлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат мактабгача таълим ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш;

кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш.

Аутсорсер қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.2. Аутсорсернинг мажбуриятлари:

тарбияланувчиларни соглом овқатлантириш хизматини давлат мактабгача таълим ташкилот ошхонасининг ўзида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

таомномаларни 10 кунлик намунавий таомномалар асосида худудий давлат санитария эпидеомиологик осойишталиги хизматига бир нусха тақдим қилган ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш;

таомларни овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпазлар) билан таъминлаш;

таомномалар, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажариш;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилилмаслигини инобатга олиш.

Аутсорсерга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши

2.3. Буюртмачининг ҳуқуклари:



аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда ваколатли органларга билдирги киритиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини З-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш, мониторинг қилиш;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилимагина таъминлаш.

Буюртмачи қонунчиликда тақиқланмаган бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида мавжуд бюджет маблағлари ва ота-оналар тўловидан тушумлар ҳисобидан қоплаш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вактинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товорклари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмираш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вактида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлаш.

Буюртмачига қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

III. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

3.1. Давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳар куни эрталаб соат 9:00 га қадар шу куни давлат мактабгача таълим ташкилотига келган, овқатлантирилиши лозим бўлган тарбияланувчилар сони бўйича белгиланган шаклга мувофиқ аутсорсерга буюртма беради.

3.2. Аутсорсер давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиқсан ҳолда таомнома тузади ҳамда ушбу таомнома асосида овқатлантиришни амалга оширади.

3.3. Аутсорсер ҳар 10 (ўн) кунда буюртмачига кунлик таомномаларни илова қилган ҳолда ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади.

3.4. Буюртмачи:

ҳар ойнинг 15 санасига қадар жорий ойнинг режавий иш ҳажмига (шартномага илова ҳолда тўлов жадвалига) қараб 15 фоиз миқдорда олдиндан тўловларни амалга оширади;



аутсорсер томонидан тақдим этилган хисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси асосида кўрсатилган хизматлар бўйича маблағларни жорий ойнинг 25 санасига қадар аутсорсерга ўтказиб беради, жорий ойнинг қолган кунлари учун тўловлар кейинги ой учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказилади.

IV. Шартнома бўйича жавобгарлик

4.1. Аутсорсер қўйидагиларга жавобгардир:

овқатларни фақат давлат мактабгача таълим ташкилоти ошхонасининг ўзида тайёрлашга (истисно тариқасида Комиссиянинг қарори билан марказлашган холда тайёрлаш ва етказиб бериш);

овқат тайёрлашда тегишли сертификат ва сифатни белгиловчи бошқа хужжатларга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга;

тайёрланган овқатларнинг амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигига;

тайёрланган таомларни технология қоидаларига риоя қилган холда белгиланган таомларни тайёр ҳолдаги вазнига мутаносиблигига;

тайёрланган овқатларнинг сифати бузилмасдан болаларга берилишига, болаларга ачиган, айнигина ва бошқа кўринишда ўз сифатини йўқотган овқатларни бермасликка;

таомномада маҳсулотларнинг хақиқий нархларини ҳамда хақиқатда овқатланган болалар сонини тўғри кўрсатилишига;

кунлик таомномаларни мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига белгиланган вақтда етказилишига;

ўзига бириктирилган ва тегишли шартномалар асосида вақтинча фойдаланишга берилган буюртмачининг мулкини бут сакланиши ва тежамкорлик билан фойдаланилишига;

кўрсатилган хизматлар бўйича тасдиқловчи хужжатларни белгиланган шаклларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда буюртмачига тақдим этишга;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини З-иловада белгиланган муддатларда бажаришга;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар кайтарилимаганини инобатга олишга.

4.2. Буюртмачи қўйидагиларга жавобгардир:

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топширишга;

кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловларни амалга ошириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотига хақиқатда келган тарбияланувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда аутсорсерга топширилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция



мажбуриятларини З-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилишга, мониторинг қилишга;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилимагина таъминлашга;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлашга..

4.3. Аутсорсер томонидан овқатлантириш хизматларини белгиланган вақтларда амалга оширмаса ёки Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

V. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Форс-мажор ҳолатларда, башарти, мажбуриятни ижро этмаслик шартнома тузилганидан кейин рўй берган бартараф этиб бўлмас куч таъсиридаги вазият оқибати бўлса, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик бўйича томонлар жавобгар бўлмайди.

VI. Бошқа шартлар

6.1. Шартнома юзасидан келишмовчиликлар талабнома юбориш ва музокаралар ўтказиш йўли билан бартараф қилинади. Агарда томонлар келишувга эришмасалар низолар тегишли худуддаги иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

6.2. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6.3. Бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш амалдаги Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича амалга оширилади.

VII. Шартноманинг амал қилиши ва бекор қилиниши

7.1. Шартнома имзолangan кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

7.2.

VIII. Томонларнинг реквизитлари

Аутсорсер
Маззали таом гаёров X/K
Корхона раҳбари Нодира Ахмедова



Буюртмачи
Буҳоро шаҳар
МТБ мудири Абдурахмон Каримович

